



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2020 йил – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2020 йил 14 июль, № 147 (7649)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ СУМА ЧАКРАБАРТИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасидаги стратегик шериклиكنи йўлга қўйиш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги улкан хизматлари, шунингдек, республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар дастурларининг самарадорлигини таъминлашга, sanoat ва инфратузилма тармоқларини модернизация қилиш бўйича устувор инвестициявий лойиҳаларга қўшаётган шахсий ҳиссаси ва кўмаги, мамлакатда қулай сармоявий ва ишбилармонлик муҳитини шакллантириш жараёнларини фаол қўллаб-қувватлагани учун Сума Чакрабартни Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2020 йил 9 июль

## ОДАМЛАР ҲАЁТИГА ЎЗГАРИШЛАР ОЛИБ КИРУВЧИ ҲАМКОРЛИК

Бугун бутун дунё Ўзбекистонда амалга оширилаётган тарихий ислохотларнинг гувоҳи бўлиб турибди. Биз бир неча йил олдинги давлат эмасмиз. Ҳозир мамлакатимиз ЯИМ ўсиши, хорижий инвестиция ва капитал жалб қилиш, қурилиш, sanoat, қишлоқ ҳўжалиги соҳаларини ривожлантириш кўрсаткичлари бўйича минтақада етакчилардан бири сифатида тан олинмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли турмушини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, республиканинг кучли, барқарор ва ривожланаётган иқтисодиётга эга давлатлар қаторига киришига йўналтирилган ғоялар ҳаётга самарали татбиқ этилмоқда.

Ўзбекистон қўшни мамлакатлар билан савдо алоқаларини жадаллаштиришнинг асосий омилли бўлган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, минтақа давлатларининг энергетика ва транспорт тармоқлари ўртасида ўзаро манфаатли шериклиكنи тиклашга қаратилган ташаббусларнинг асосий иштирокчиларидан бирига айланмоқда.

Кейинги йилларда республика халқаро майдонда улкан салоҳиятга эга кучли давлат сифатида ўз позицияларини мустаҳкамлади. Қатор йирик ва нуфузли халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар, жумладан, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки билан фаол ҳамкорлик кенгаймоқда. Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Осиё инфратузилма инвестициялари банки билан ҳамкорлик жадаллашиб бормоқда.



«Биз Ўзбекистонда иқтисодиётни эркинлаштириш ва сиёсий ислохотларни илгари суриш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаймиз, чунки бу мамлакатни қўшни давлатлар ва халқаро ҳамжамият учун очади».

Сума ЧАКРАБАРТИ,  
Европа тикланиш ва тараққиёт банкининг  
собиқ Президенти.



## ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг  
видеоконференция тизими орқали  
мажлиси бўлиб ўтди.

Парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борган мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари, барвақт турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисда Сенат Кенгаши томонидан Р. Махмудовани Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимига сайлаш ва уни Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси лавозимидан озод этиш, шунингдек, Б. Тангабаев ва И. Алимовни Олий суд судьялигига сайлаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Кун тартибидан ўрин олган халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ўтган давр мобайнида суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллиги, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, қолаверса, суд ҳокимиятининг очиклиги масаласида ҳам бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Маълумки, қонун ҳужжатларида тегишли суд раислари томонидан маҳаллий Кенгашларга ахборот тақдим этиб бориш назарда тутилган. Бир ойда камида бир марта жойларда судьяларнинг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш ҳамда жамоатчиликни суднинг фаолияти тўғрисида оммавий ахборот

воситалари орқали хабардор қилиб бориш тартиби жорий этилди. Бу эса фуқароларга халқ вакиллари орқали ҳалқ ҳуқуқлари судлар фаолияти билан яқиндан танишиш, судлар амалиёти ҳолати ҳақида маълумот олиш имконини берди.

Маълумотларга кўра, 2019 йилнинг ўзига суд раисларининг 900 та ахборотни эшитилган. Бу амалиёт ҳозирги кунда ҳам давом этиб келмоқда. Бироқ шу кунга қадар маҳаллий Кенгашларда судларнинг ахборотларини эшитиш натижасида ҳудудларда у ёки бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш бўйича аниқ чоралар белгиланмаган.

Олий Мажлис палаталари томонидан жамоатчиликнинг суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларга нисбатан муносабатини ўрганиш мақсадида ҳудудларда судьялар, адвокатлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва аҳоли билан учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказилди. Бу жараёнда билдирилган тақлифи ва фикр-мулоҳазалар таҳлили ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари томонидан судлар фаолиятига оид ахборотни эшитиш амалиётининг самарадорлигини ошириш зарурати мавжудлигини кўрсатди.

Шунингдек, ахборотни эшитиш давомда маълумот учун қабул қилиш билан чекланмасдан, унда кўрсатилган статистик, таҳлилий маълумотлар асосида маҳаллий Кенгаш ўз фаолиятини режалаштириши, депутатлик назоратининг муҳим йўналишларини белгилла олиши зарурлиги қайд этилди.

Бундан ташқари, мажлисда барвақт турмуш ва эрта туғруқ ҳолатлари ҳамда оилавий ажримлар билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги масала ҳам кўрилди.



## Олий Мажлис Қонунчилик палатаси МЕҲНАТ «ТЕРАПИЯСИ»НИ ҚЎЛЛАШ ТАРТИБИ ҚОНУНДА АКС ЭТАДИ

Қонун ижодкорлиги — мураккаб жараён. Унинг ҳар бир босқичини инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш нуктаи назаридан келиб чиқиб, амалга ошириш муҳим вазифа саналади. Чунки одамлар қонунларнинг таъсирини ўз ҳаётида, турмушида сезмас экан, бундай ҳужжатларни қабул қилишдан ҳеч қандай наф йўқ.

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда пишиқ-пuxта тайёрлашда ана шу тамойилларга қатъий амал қилинмоқда. Депутатлар томонидан олиб борилаётган кизгин ишлар натижасида бир қатор қонун лойиҳалари иккинчи ўқишга тайёрланди. "Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ана шулардан биридир.

Ҳўш, мазкур ҳужжатда қандай янги нормалар акс этмоқда? Унинг қабул қилинишига қандай зарурат бор? Парламент қуйи палатаси Фуқаролар-

билан тартибга солинган. Мазкур ҳужжатларда наркологик касалликлар профилактикаси, беморларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни иш билан таъминлаш, мажбурий даволашга йўллаш тартиби, даволашнинг қанча муддат давом этиши ҳамда ўз хоҳишига кўра, даволанишни тартибга солувчи нормалар мавжуд эмаслигини кўриш мумкин. Бу эса тизимда фаолият самарали ташкил этилишига тўққонлик қилмоқда. Мисол учун, юқорида келтирилган қонунларнинг нормалари, жумладан, суднинг мажбурий даволаш тўғрисидаги ажримни юзасидан шикоят қилиш тартиби ва муддатлари жиноий-процессуал ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигига тўғри келмайди.



## «Кичик ва ўрта бизнес, ҳунармандчилик, сервис — Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг драйверлари»

Ушбу сарлавха остида Эроннинг етакчи ахборот агентликлари "Fars News" ва "ITNA News" веб-саҳифаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Наманган вилоятига ташрифи якунларига бағишланган мақола нашр этилди.

### Эътироф

Мазкур материал Эрон илмий ҳамда академик доира вакиллари ўртасида катта қизиқишга сабаб бўлди. Хусусан, Техрон университетини профессори, Эрон ва Евроосиёни ўрганиш

институтини (IRAS) илмий кенгаши аъзоси Баҳром Амрахмаднинг ижтимоий тармоқларда қуйидаги фикрларини ёзиб қолдири:

"Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув усули Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ёрқин даврдир. Шавкат Мирзиёев барчага ўз раҳбар-

лиги даврида Ўзбекистон ривожланиб бораётганини, Марказий Осиё минтақасида нуфузли мамлакатга айланганини намойиш этди.

Тожикистон ва Қозоғистон билан муносабатларнинг яхшиланиши минтақада Ўзбекистонни асосий давлатга айлантирди. Шунингдек, мамлакатда миллий бирлик ва ҳукумат билан халқнинг ўзаро ҳамкорлиги юқори даражага етди".

«Дунё» АА.  
Техрон

## ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРДАН ХОЛИ ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОЙ ИММУНИТЕТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

Аҳоли ҳамда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни бартараф этиш бугунги пандемия шароитида, айниқса, жуда аҳамиятли. Чунки бу ҳолат нафақат мамлакатлар иқтисодиётига, балки одамлар ҳаётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бугун бутун дунё иқтисодиётида ўзгариш кузатишмоқда — ақсарият ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини тўхтатган, хизмат кўрсатиш соҳаси хизматларига талаб эса йўқ. Одамлар ишсиз, демак, даромадсиз қолмоқда. Шундай экан, нима қилмоқ керак? Бу савол бугун жаҳон ҳамжамиятини ўйлантираётгани боис унинг ечимларини топишга ҳаракат қилинмоқда. Бинобарин, ижтимоий муаммолардан холи жамиятда маънавий ва жисмоний иммунитет мустаҳкам бўлади.

### Муносабат

Айтиш жоизки, ушбу масалалар мамлакатимизда долзарб аҳамият касб этган. Шу сабабли муаммони бартараф қилиш бўйича муайян ишлар амалга келтирилди. Хусусан, шу йилнинг 8 июли кунин Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш орқали одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночор оилаларни ҳар жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш масалалари кенг муҳокама қилинди. Унда давлатимиз раҳбари қайд этганидек, кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш бугунги пандемиядан кучли бўлиб қиқшини бирдан-бир йўлидир.

Аслида бизда ушбу масала доимий эътиборда. Шу боис соҳа вакилларига енгилликлар, имкониятлар мунтазам тақдим этиб келинмоқда. Жумладан,

Президентимизнинг 2020 йил 19 март, 3 ва 27 апрель ҳамда 18 майдаги фармонлари асосида пандемия такозо қилган карантин шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизими жорий этилиб, ишбилармонлик субъектларини айрим солиқлардан озод қилиш, ставкаларни пасайтириш, уларга нисбатан жарима ҳамда пенялар қисқалашини тўхтатиш ёки воз кечиш амалиётлари белгиланган. Шунингдек, кичик корхоналар икки турдаги — ер ва мулк солиқларидан озод этилди. Мазкур енгиллик ҳамда имтиёзлар тўғрисида ҳўжалик юритувчи субъектлар иштирокида қолайдиган маблағлар уларнинг барқарорлигини таъминлаш, қийинчиликларни енгиб ўтиш ва ишчи-ходимларнинг иш ҳақига йўналтирилмоқда.

Газетамизнинг 3-саҳифасидаги материалларда бу борда амалга оширилаётган ишларнинг ҳаётбахш аҳамияти ҳақида сўз боради.







# ИЖТИМОЙ МУАММОЛАРДАН ХОЛИ ЖАМИЯТДА МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ ИММУНИТЕТ МУСТАҲКАМ БЎЛАДИ

Пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## Тадбиркорга ғов бўлманг

Президентимиз раислигида жорий йилнинг 8 июль куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратишдан иборат эканлиги таъкидланган эди.

## Бонг

Давлатимиз томонидан ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилаётган бўлса-да, жойларда улар фаолиятига тўсиқ бўлаётган қўллаб муаммолар мавжуд. Улардан энг чуқур илдиз отгани — бюрократия, десак, адашмаймиз.

Бунга Олий Мажлис Сенати Раиси номига тадбиркорлардан келиб тушаётган мурожаатлар ҳам далил бўлмоқда. Жумладан, хусусий тадбиркор Гулрух Худойбердиева 2016 йилнинг ноябрь ойида “Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси” тасаруфидаги бўш турган, қаровсиз, майдони 7671 квадрат метрли бинони ижара шартномасига асосан қабул қилиб олган. Бир неча ой давомида ишбилармон аёл 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағини сарфлаб, уни тўлиқ таъмирдан чикарган, яна қўшимча маблаг эвазига замонавий тикув дастгоҳларини ўрнатган.

Бугунги кунга келиб яратилган янги иш ўринлари сони қарийб 200 тадан ошиб кетди. “Интилганга толе ёр”, деганларидек, тадбиркорнинг иши кундан-кунга юришиб, жорий йилда ижарага олинган ишлаб чиқариш майдонини хусусийлаштириш имкони пайдо бўлди. Бироқ бу жаравн узоқ ва мураккаб бўлиб чиқди. “Сергели кичик саноат зонасини бошқариш дирекцияси”, туман ҳокимияти, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, собиқ Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобати ривожлантириш давлат қўмитаси — бу тадбиркор аёл остонасига бош ургат идораларнинг бир қисми, холос. Уларнинг ҳар биридан олинган расмий жавоб хатида тўраччиликка хос турли баҳоналар келтирилган, юрт раванқига хисса қўшаётган ишбилармоннинг ишини енгил қилишга уриниб ҳам қўришмаган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: Гулрух Худойбердиева каби тадбиркорларнинг кўпчилиги дуч келаётган бундай муаммоларнинг асл илдизи нима-да? Буни аниқлаш учун иқтисодчи мутахассис ёки юрист бўлиш шарт эмас. Дейлик, бўш турган давлат мулкини тадбиркор инвестиция киритиш шарти билан ижарага олган. Асосий ижарадан ташқари у яна қўшимча тўловларни ҳам ойма-ой амалга оширади. Энг ажабланарлики, улардан айримлари Давлат бюджетига умуман етиб бормайди.

Мисол учун, эксплуатация харажатлари. Аслида бу маблаг ижарага берилган бинони тегишли даражада сақлаб туриш учун олинади. Ваҳоланки, виждонли ижарачи тадбиркорлар ўзлари уни таъминлаш ҳамда сақлаб туришга маблаг аямайдилар. Оқибатда, доимий равишда келиб турган каттагина пулларни олиб туриш қайсидир тузилмалар, тўғироги, амалдорларга қўл келади ва мулкни хусусийлаштиришга интилаётган тадбиркорлар йўлида ўз-ўзидан ғов пайдо бўлади. Кўп ҳолларда бу йўналишдаги сазй-харажатлар кумга синган сувдек натижа келтирмайди. Айрим ҳолларда очикдан-очик коррупция ҳолатларига ҳам олиб келади.

Нойлуж қолган тадбиркор аёл Олий Мажлис Сенатига боғланди. Унинг мурожаати келиб тушиши биланқ парламент юқори палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси аъзоларидан иборат ишчи гуруҳ масалани жойига чиқиб ўрганди. Барча ҳужжат ҳамда далиллар тадбиркорнинг ҳақлигини қўрсатиб турбиди. Мурожаат назоратга олинди. Ишбилармон аёлнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар бошлаб юборилди. Тез орада ушбу масала ижобий ҳал этилишини кутиб қоламиз.

«Халқ сўзи».



## Энг тўғри ва самарали йўл

Дунё миқёсида коронавирус пандемияси давом этмоқда. Қатор мамлакатларда касалликнинг иккинчи тўлкини бошланаётгани, ҳақиқатан ҳам, барчамизда жиддий хавотир уйғотяпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 июли кунги видеоселектор йиғилишида алоҳида қайд этганидек, ушбу инфекцияга қарши курашда қандайдир “сеҳрли рецептлар” ҳали йўқ. Ҳақон ҳамжамияти, дунёдаги энг йирик илмий марказлар, энг кучли олимлар бу офатга даво топиш учун қаттиқ изланмоқда. Ва бундай тадқиқотлар тез орада ўзининг ижобий натижаларини беради, деб умид қиламиз.

Таъкидлаш жоизки, COVID-19 инфекцияси тарқалиши жаҳондаги иқтисодий кўрсаткичларга кескин салбий таъсир қўрсатди. Ҳар бир давлат бу борада зарур чоралар кўрмоқда. Видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари пандемиядан кучли бўлиб чиқишнинг бирдан-бир йўли — кичик бизнес ва тадбиркорликка қулай муҳит яратиш, дея алоҳида таъкидлади. Ўйлаймизки, бу — энг тўғри ҳамда самарали йўл.

Дунё иқтисодчилари ҳам бу сафарги инқироз анча оғир кечилишини ва ундан тикланиш имкониятлари айнан тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга боғлиқ бўлишини айтмоқда. Шу жиҳатдан видеоселектор йиғилишида мамлакатимиздаги барча ҳўжалик юритувчи субъектлар йил якунига қадар имкони борича тўлиқ қувват билан ишлашга эришиш муҳимлиги белгилангани эътиборга молик.

Йиғилишда тадбиркорлар карантин қоидаларига амал қилишда санитария ва ёнғин хавфсизлиги идоралари томонидан тушунарсиз ҳамда бир-бирига зид талабларга дуч келаётганликлари таъкидланди. Шу боис ишбилармонларнинг мурожаатлари ва тақлифлари асосида жорий тартибларни қайта қўриб чиқиб, оммавий ахборот воситалари ҳамда

ижтимоий тармоқларда тушунарли шаклда аҳолига етказиш топириги берилди. Бу жуда муҳим. Чунки пандемия даври тадбирли инсонларни мутлақо бошқача, аввал ўхшаши бўлмаган шароитга қўймоқда. Бунда тадбиркор нафақат ўз соғлиги, балки қўл остидаги ишчи-ҳодимлар саломатлигини сақлаши, касалликнинг корхонага яқин йўлашига йўл қўймаслиги, харидорга етиб борадиган махсуслот ёки хизматнинг ҳам хавфсизлигини таъминлаш лозим бўлади. Бундай вазиятда нима қилиш керак? Ёнғин хавфсизлиги уларнинг соз ва ишлаб турган бўлишини талаб қилади, лекин санитария томондан уларнинг ишлаб туриши маъмул даражада хатар тўғрисида. Бу бор-йўғи бир масала, холос. Ўзага келган вазиятда бу каби муаммолар талайгина. Мўҳими, шу пайтгача амал қилган тегишли қонун-қоидаларнинг барчасини янги шароитга мослаштириш, бунда “сиҳ ҳам қўймасин, қабоб ҳам”, деган шартга амал қилиш зарур. Бу эса тегишли идоралар зиммасига ҳозирги тартибларни жиддий равишда қайта қўриб чиқиш ва нафақат тадбиркорлар, балки кенг оммага тушунарли тарзда етказиши талаб қилади. Токи нафақат ишбилармонлар, балки улар қўлида ишлайдиган ҳамюрт-

ларимиз ҳам буни билсин, тушунсин ҳамда амал қилсин.

Видеоселектор йиғилишида яна бир асосий жиҳат, яъни фаолият бошлаётган кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутлақо янги тизимини ишлаб чиқиш топириги берилди. Бунда тадбиркорни махсус курсларда ўқитиш, субъектни рўйхатдан ўтказиш, асбоб-ускуна сотиб олиш харажатларининг бир қисмига грант ажратиш назарда тутилди. Ушбу тизимнинг вертикал ижросини таъминлаш учун ҳозирда фақат республика даражасида фаолият юритаётган кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ишини тумангача тушириш лозимлиги айтилди.

Санаб ўтилган бу чоралар мамлакатимизда ишбилармонликни кенг ва ишончли қўллаб-қувватлашни аңглатди. Бундай кўмак, хаттоки ривожланган демократик мамлакатларда ҳам унчалик кўп қузелтирмайди, боиси уларда давлат нари борса имтиёзли кредит бериши мумкин. Лекин грант қўмағи тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда деярли учрамайди. Кичик маъмурий худудий тузилма — туман даражасида ишлайдиган агентликлар ҳақида ҳам худди шу фикрни билдириш мумкин. Ишончимиз комилки, бизнинг серғайрат ҳамда шижоатли ишбилармонларимиз барча қулайлик ва имтиёزلардан унумли фойдаланиб, юртимиз иқтисодиёти тикланишига, халқимиз фаровонлиги юксалишига катта хисса қўшадилар.

Нурмуҳамед ОЧИЛОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

## Соҳа вакилларининг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфаатлари ҳимояда

Президентимизнинг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида маъмурий судларнинг ташкил этилиши фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси йўлидаги муҳим амалий қадам бўлди. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуларига мувофиқ, 2017 йил 1 июндан бошлаб, оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низолар ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги

ишларни қўриб чиқиш акалати янги ташкил этилган маъмурий судларга ўтказилди. Натижада мурожаатларни тез ва самарали қўриб чиқиш имконияти яратилди.

Бинобарин, кейинги пайтларда тадбиркорлик субъектларининг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга белгиланган тартибда ер участкалари ажратиш, шунингдек, фуқароларнинг уй-жой муносабатлари билан боғлиқ қўллаб мурожаатлари қўриб чиқилиб, аризалари қаноатлантирилмоқда. Масалан, яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан ақка тартибдаги тадбиркор С. Шихназаровнинг

қонуний ҳуқуқларини таъминлаш юзададан киритилган аризини қўриб чиқди. Маъмул бўлишича, Урганч шаҳар ҳокими қарори билан С. Шихназаровга ёғоч махсуслотлари ишлаб чиқариш цехи қуриш учун 1000 метр квадрат ер майдони ажратиб берилган. Бироқ орадан етти ой ўтиб, Хоразм вилояти прокуратураси томонидан киритилган протест асосида ушбу қарор бекор қилинган. Урганч шаҳар маъмурий суди иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, яқка тартибдаги тадбиркор манфаатлари ҳимояси бўйича киритилган аризани қаноатлантирди.

Шунингдек, фуқаро Ш. Юлдашеванин Урганч шаҳрида жойлашган тиҳорат дўконининг ер майдони давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб

қўйилгач, Урганч шаҳар ҳокимлиги ўзаро келишув шартномаси бўйича унга новойихона қуриш учун 40 метр квадрат ер майдони ажратиб бериш мажбуриятини олган. Лекин орадан йиллар ўтса-да, шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари бу ишни пайсалга солиб келган. Суд аризада келтирилган ваҳларни иш ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, аризини қаноатлантирди ва Урганч шаҳар ҳокимлиги зиммасига Ш. Юлдашевага новойихона қуриш учун ер майдони ажратиб бериш мажбуриятини юклади.

Суд жараёнида очиклик ҳамда шаффофликни таъминлаш, одил судлов фаолиятининг сифат ва самарадорлигини ошириш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ҳуқуқ ва манфаатла-

рини муҳофаза этиш учун реал имкониятлар яратиш максасида маъмурий судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари тизими равишда татбиқ этилаётир. Суд процессининг барча иштирокчисига қулайликлар яратиш максасида ҳамда карантин талабларидан келиб чиқиб, суд мажлисларини видеоконференцалқа режимида ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу янгилик фуқароларнинг вақти ва маблағини теҳаш ҳамда соғлигини муҳофаза этиш имконини беради. Мурожаатларни электрон қўринишда қабул қилиш тизими ҳам ана шундай қулайликлардан биридир.

Дилмурод ОЧИЛОВ,  
Урганч шаҳар маъмурий суди раиси.

## Мамлакатимиз олий таълимининг тарихий илдизлари теран

“Халқ сўзи” газетасининг 3 июль сонида “Тамаддун дарёси ҳамон оқмоқда равон. Ўзбекистонда илм-фаннинг янги Ренессанс даври бошланмоқда” сарлавҳаси остида эълон қилинган Олий Мажлис Сенати аъзоси, Самарқанд давлат университети ректори, техника фанлари доктори, профессор Рустам Холмуродов билан бўлган сўхбатда билдирилган фикр-мулоҳазалар илмий асосланганлиги нуктаи назаридан алоҳида диққатга сазовордир.

## Акс садо

Дарҳақиқат, Ватанимизнинг шонли ўтмишини ўрганар эканмиз, бевосита таълим тарихи унинг ажралмас қисми эканлиги кўзга ташланади. Таълимнинг эса илқ даврлари мактаб ва мадрасалар фаолияти билан узвий боғлиқ. Манбалардаги маълумотлар илк мадрасалар Бухоро ҳамда Самарқандда VIII-IX асрлардаёқ вужудга келганлигини кўрсатади. Бухорода Фарҳаж, Фаҳихлар мадрасаси, Самарқандда Работи Ғозийн ва Иброҳим Тавғочон мадрасалари ана шундай дастлабки мадрасалар бўлганлиги маълум.

Шарқ Уйғониш даври алломалари ҳам бошланғич билимларни мадрасаларда эгаллашган. Таълим тизими, мактаб, мадрасалар фаолият юритганлиги учун ҳам жаҳон илму фанига буюк хисса қўшган Ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Мотуридиди, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино каби олимлар камолга етган.

Иккинчи Шарқ Ренессанси Теуририйлар даврига тўғри келади. Бу даврда Самарқанд илм-фан марказига айланди. 1420 йилда Мирзо Улугбек мадрасаси қурилган ва ўз фаолиятини бошлаган. Мирзо Улугбек мадрасасида ижод қилган Қозизода Румий, Ғиёсиддин Жамшид Косионий ҳамда Али Қушчи ўз дарвиниқ академиклари бўлган. Бу даврда Самарқандда яратилган асарлар дунё илм-фанига, айниқса, астрономия,



аниқ ва табиғий фанлар тараққиётига улкан хисса қўшди.

Сўхбатда Самарқанд давлат университети Мирзо Улугбек мадрасасининг давомчилиси ҳамда вориси сифатида эътироф этилиб, бу борада илмий далиллар келтирилди. Университетнинг 600 йиллигини нишонлаш масаласи илгари сурилди. Бу таъаббусни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаймиз.

Албатта, Ватанимиз илму фанини дунёга таратган таълим масканлари тарихини ўрганиш жуда муҳимдир. Мустақиллик йилларида шахарлар ва буюк алломаларнинг юбилейлари қўллаб ўтказилди. Лекин таълим масканлари тарихи ҳамда у билан боғлиқ саналар ҳали нишонланган эмас.

Самарқанд давлат университетининг шонли тарихи Мирзо Улугбек мадрасасига боғланиши халқимизни юғятда хурсанд қилиб, қўксини ғурурга тўлдириши аниқ. Зеро, Европадаги Сорбона, Оксфорд, Болонья, Кембриж университетлари XII-XIII асрларда дастлаб черковлар қошида вужудга келган мактаблар бўлган. Дунёвий илмлар ўқитилишига черков йўл бермаган. Самарқанддаги Мирзо Улугбек мадрасасида эса улардан фарқли ўларок, дунёвий илмлар ўқитилган ва илмий тадқиқотлар олиб борадиган алоҳида илмий лабороторияларга ҳам эга бўлган.

Самарқанд давлат университетининг юбилейини кенг нишонлаш жамоатчилик томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Шу йил 26 июнда халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кен

Турсунбой РАШИДОВ,  
академик.

айбланган сиёсий маҳбуслар, қиролликнинг ашаддий душманлари сақланадиган қамқохонага айлантилриди. Тарихчи олимларнинг қайд этилишча, салкам тўрт асрилик тарихи мобайнида мазкур қамқохонадан санокли маҳбусларгина озодликка чиқишга муваффақ бўлишган.

## БАСТИЛИЯ — ОЗОДЛИК ТИМСОЛИ

1789 йилда Парижда мустабид қирол ҳокимиятига қарши инқилобий харажатлар авж олди. 14 июли куни инқилобчилар Бастилия қамқохонасини ишғол қилдилар. Шундан сўнг инқилоб бутун мамлакатга ёйилиб, тез орада қирол ва унинг ҳокимияти ағдарилди. 1791 йилда эса Бастилия қалъаси бутунлай бузиб ташланди. Қалъа тошларидан Бастилиянинг кичик макети ва Сена дарёси устидаги Конкорд кўпригини қуришда фойдаланилди.

Шу тариқа Буюк Француз инқилоби Бастилияни қамқохона ва қирол истибоди рамизи сифатида йўқ қилди. Инқилобдан кейин эса у озодлик тимсолига айланди.

1880 йилдан бошлаб, ҳар йили 14 июль Францияда миллий байрам сифатида нишонлаб келинади. Одатда французлар ушбу санага пухта таъйиғарлик қўрадилар. Айёмини нишонлашга 13 июль оқшомидан бошлаб киришилди. Яъни турли хил оммавий тадбирлар, халқ сайиллари ташкил этилади. Парижнинг барча 20 та туманида уюштириладиган концертлар ва маданий дастурларга хоҳлалар одам ташриф буюриши мумкин. Расмий тадбирлар эса анъанавий равишда 14 июль куни эрталаб Республика Президенти иштирокида Париждаги машҳур Елисей майдонларида бўлиб ўтади. Ҳарбий парадда мамлакатнинг барча қуролли қучлари, шу жумладан, пиедада ҳамда отлик армия, денгиз флоти аскарлари ва ҳарбий мусиқачилар, шунингдек, оғир артиллерия ҳамда ҳаво қучлари, жангарилар, полиция ва ўт ўчирувчилар қатнашади.

Шуниси диққатга сазоворки, байрам қўни ақсарият музей ҳамда театрлар томошабиларга бепул хизмат кўрсатади. Лувр музейи, Париж

операси каби маданият ва санат масканларининг эшиклари ҳамма учун очик бўлади. Кечқурун Марс майдонида оммавий сайил жуда таъсирли ва улгвор салиот билан якун топади. Эйфель минораси узра ранг-баранг салиот Париж осмонида ағдарилди. 30 дақиқага чакнаб туради. Йиғилганлар эса бу вақтда Франциянинг миллий маҳдҳяси — Марсельезани қўйлаб туради. Қўсқаси, байрам тантаналари кўтаринки руҳда ўтади.

Б а с т и л и я қалъасининг ишғол қилиниши Франциянинг миллий байрами бўлишига қарамай, бошқа мамлакатларда ҳам нишонланади. Чунки Бастилиянинг эгалланиши инсоният тарихидаги энг ёрқин ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Француз халқининг шундай улуг айёми арафасида ўзбек — француз алоқаларига ҳам назар ташлаш фойдадан холи эмас, албатта. Франция мамлакатимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб, иккинчи 1992 йил 3 январда эътироф этган ва мана, 28 йилдирки, юртин кес суверенитетни ҳамда худудий ахлтиллигини тўлиқ қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Ўтган давр мобайнида мустақил Ўзбекистонда давлатчилик институтларини шакллантириш ва ривожлантиришда биз бир қатор демократик мамлакатлар қатори Франция тажрибасига ҳам қар томонлама таяниш иш кўрди. Чуноқни, 1991-1992 йилларда мустақил Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқишда француз конституциявий тажрибасининг илгор жиҳатлари кенг ўнлаштирилди. Айниқса, Франциянинг 1958 йилда қабул қилинган V-Рес-

публика Конституцияси асосида шаклланган сиёсий тизими ва институтларининг илгор тажрибаларидан унумли фойдаланилди. Мустақиллик йилларида французлар Ўзбекистон иқтисодиётига қарийб бир миллиард доллар сармоя куйритди. Жумладан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, “Тошкент” халқаро аэропортига ҳаво навигацияси радарларини ўрнатиш бўйича лойиҳалар амалга оширилди.

Ҳозир икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, илмий-техникавий ва бошқа соҳаларда кенг ҳамкорлик йўлга қўйилган бўлиб, ушбу алоқалар, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрда Францияга амалга оширган давлат ташрифидан сўнг янги босқичга кўтарилди.

Ўзбек ва француз ишбилармонлари ўртасида туризм, енгил саноат, машинасозлик, атом энергетикаси каби соҳаларда ўзаро ҳамкорлик бўлган интилиш тенденцияси тобора қучайиб бормоқда. 2019 йилда икки мамлакат ўртасида ўзаро товар айланмаси олдинги йиллардагига нисбатан ошиб, салкам 300 миллион долларни ташкил этди.

Айни чоғда ўзаро муносабатлар ривожида парламентларо ҳамкорлик ҳам муҳим ўрин тутади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Франция” парламентларо ҳамкорлик гуруҳи қўриб котиби.

Қодир ЖўРАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
«Ўзбекистон — Франция» парламентларо ҳамкорлик гуруҳи котиби.





# ХАЛҚЛАРИМИЗ АЗАЛИЙ ДЎСТЛИК ЙЎЛИДАН ҲЕЧ ҚАЧОН ОФИШМАЙДИ



## Яқиндаги кўшни яшши

Дарҳақиқат, асрлар давомида қуданда, қондош, жондош бўлиб келган халқларимизни ажратиб бўлмайди. Кузатишларим асосида айтмоқчиман, бизга қадрдон Ўзбекистон доимо кўшнлар учун очик. Кўшнларнинг ички ишларига аралашмайди. Бошига ташвиш келганда уларни ёлғизлатиб қўймайди.

Бунинг исботини бутун дунёни забтига олган коронавирус пандемияси даврида ҳис қилдимиз. Ўзбекистон ўзи ҳам пандемия билан бир қаторда, икки мартаба турли офатлар хуружига учраганига қарамай, кўшнларига, жумладан, Қирғизистонга ёрдам қўлини чўздди. Ўзбеклар бир мейизни қирққа бўлиб ейдиган халқ эканлигини намойиш қилди. Оғир дамларда Ўзбекистон Қирғизистонга бир эмас, бир неча марта гуманитар ёрдамлар ортлган қарвонларни жўнатди. Ана шу юклар халқимизнинг қорига яради.

Ўзбек ва қирғиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида аҳилликда яшаб келган, дини бир, тили яқин икки халқ. Тарихимиз умумий, маданий ҳамда диний қадриятларимиз муштарак, аънава ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир». Ҳеч иккиланмасдан таъкидлаш жоиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Қирғизистон асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади.

Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентларининг олий даражадаги учрашувлари муносабатларимизга илиқлик киритди. Давлатларимиз ҳамда халқларимиз ўртасидаги сўнбий тўқиларни бартараф этди, чинакам борди-келди тикланди. 2016 йил охирида Андижон ва Ўшда бўлиб ўтган расмий делегациялар учрашувларидан сўнг ўзбек — қирғиз муносабатлари жадал суратлардан ривожланди. Аммо йиллар давомида шаклланган вазиятни жуда тез ўзгартириб юбориш осон эмас. Зеро, қўллаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш, тегишли фармон ва фармойишлар бериш, ҳуллас, барча «аънава ва удумлар»га риоя қилиш лозим.

## Буюк ярашув

Аслида икки республика ҳукуматлари энг асосий муаммо — чегаралар демаркацияси ва делимитацияси борасида мураккаб ишни амалга оширдилар. Томонлар ўртасидаги келишувлар бу масалада сезиларли равишда олға қадам ташланганлигидан ғувох-

лик бериб турибди. Умумий узунлиги 1370 километрни ташкил этувчи қирғиз — ўзбек чегарасининг 90 фоиздан кўпроғи бўйича ҳужжатлар келишиб олинди. Тошкент илгари кузатилмаган равишда айрим ён беришларга рози бўлди, Бишкек эса, ўз навбатида, муаммоларни ҳал қилишни ортага сурмаяпти. «Муз», ҳақиқатан ҳам, жойидан кўчган. Нафақат чегараларни демаркация қилиш, балки фуқароларнинг чегараларни кесиб ўтишлари борасида ҳам силжиш кузатилди. Яқиндаги чегараолди низолари сабаб тез-тез тўқнаш келган давлатлар учун бу олдинга ташланган катта қадамдир.

## Тарих силсиласи

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси, қўллаб масалалар бўйича ҳамфикрлиги, ҳамкорликка интилишининг муштараклиги туфайли барча соҳадаги ҳамкорлик мустаҳкамланди. 2017 йил декабрь ойида Сооронбай Жээнбековнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам муҳим воқеалик сифатида тилга олинади. Ушбу ташрифни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қўйилдидаги эътироф этган эди: «Қирғизистон Президенти сифатида илк хорижий ташрифларингиздан бирини Ўзбекистонга амалга ошир-

*Ўзбек ва қирғиз азалдан бир дарёнинг икки қирғоғида аҳилликда яшаб келган, дини бир, тили яқин икки халқ. Тарихимиз умумий, маданий ҳамда диний қадриятларимиз муштарак, аънава ва урф-одатларимиз ўхшаш. Машҳур адиб Чингиз Айтматов айтганидек, «Халқларимизнинг қони бир, тили бир». Ҳеч иккиланмасдан таъкидлаш жоиз, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида Марказий Осиё минтақаси, жумладан, Қирғизистон асосий йўналиш сифатида устуворлик касб этади.*

Энди одамларимиз кўшни давлатдаги қариндошникига боришда, тўй ва бошқа маросимларида қатнашишда қийналаётгани йўқ.

Давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, улар ўртасида ўрнатилган самимий муносабатлар оддий одамларни руҳлантираётгани сир эмас. Айниқса, ижтимоий тармоқларда Ўзбекистон раҳбарининг юртимизга амалга оширган давлат ташрифини ижтимоий тармоқларда оддий қирғизлар ҳам олқишлашганди. Улар «Икки давлат Президентлари доимо соғ бўлишсин, халқимиз ўртасидаги дўстлик абадий бўлсин», «Ўзбекистон Президентининг ташрифи йилнинг энг яхши ангилгидир», «Ўзбекистон бизнинг стратегик шеригимиз ва Қирғизистон ҳукумати бу ҳамкорликни давом эттириш учун барча шароитларни яратиб бериш керак», деган фикрларни баён этишди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга Қирғизистоннинг «Данакер» ордени бежиз топширилгани йўқ. Юксак давлат мукофотларидан бўлган ушбу орден халқлар ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга, миллатлараро тотувлиқни асраш, илм-фанни ривожлантириш, миллий маданиятларни яқинлаштириш ҳамда боитишга катта ҳисса қўшган инсонларга берилади. «Данакер» — «ярлатирувчи» деган маънони англатади.

ганнингизни юксак қадрлаймиз. Биз буни мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга бўлган қатъиятнинг ифодаси сифатида қабул қиламиз».

Одамлар бугун қўл йиллар давомида ишламаган ва инсонларнинг ўз қариндошлари ҳамда яқинлари билан қўшилишига халақит берган назорат-ўтказиш пунктларининг очилишини кўриб туришибди. Тарихга назар солсак, биз бир вақтлар катта давлатнинг — Кўкон хонлигининг бир қисми бўлган эдик. Бизнинг кучимиз биргаликда бўлганимизда эди. Мисол учун, агар бир кишининг онаси қирғиз бўлса, отаси ўзбек бўлган ва аксинча. Буни барчамиз ёдда сақлашимиз керак. Бизнинг муносабатларимиз даражасини янги чўққиларга олиб чиқиш лозим, улар қадим замонлардаги каби бўлиш зарур.

Тўғрисини айтиш лозим, шундай даврлар бўлдики, ўзбек — қирғиз муносабатлари бир текисда кечмади. Бир яхшиланиб, бир ёмонлашди. Лекин мавжуд муаммоларга қарамай, Ўзбекистон қўйин ва мураккаб кезларда Қирғизистонни ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Ўтган йили оғир молиявий қийинчиликларни бошдан кечираётган республикага Ўзбекистон 100 миллион долларлик имтиёзли кредит ажратди.

## Бирлашган ўзар

Албатта, келишган, бирлашган яхши. Халқларимизда яхши нақл бор: «Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар». Марказий Осиё халқлари шунинг ҳам унутмаслиги кераки, мустамлакачилар ҳар доим «Бўлиб ташла, қўморонлик қиласан» шioriга амал қилишди. Собiq тузум Туркистон халқлари бошига не кунларни солмади. Инсонийлик ва демократия принципларини оёқ ости қилди, ҳар қандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўғди, оммавий ўзбошимчилик ва зўрлик ўтказиб, Ватанга содиқ неча ўн минглаб кишиларни қириб ташлади.

Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачилик тузуми биринчи кундан бошлаб халқларимиз бошига сон-саноксиз қирғинлар, дахшатли ҳамда аламли кулфатлар олиб келди. Бу дахшатли режимни ўлкамиз халқлари қабул қилмади. Улар истиқлол учун, эрк ва миллий озодлик учун қуроли қураш олиб бордилар. Бу кураш давомида, хориждаги айрим тарихчилар ҳисобича, 1 миллион 900 минг ватандошимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетди ва 1 миллион 700 минг Марказий осийлик Сибирга, Узоқ Шимол, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Волгабўйига бадарга қилинди. Мустабид ҳокимият дастидан миллий республикалар мустақиллиги, суверенлиги барбод этилибгина қолмай, шу билан биргаликда, уларнинг фуқаролари ички интишларни, асрлар оша давом этиб келган миллий қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумлари, диний эътиқодлари ҳам топталди. Рухонийларни таъқиб қилиш халқларимизнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада зарар etkazди. Унут-майлик, минтақа зиялилари ва диндорларнинг асосий қисми 1930-йилларда концентрацион лагерларга жўнатилиди. Масжидлар беркиптиб қўйилди. Халқнинг ҳатто алифбоси ўзгартирилди, ўтмиши, тарихи кўздан йироқлаштирилди. Қатагонлик сиёсати собiқ мамлакат мiёсiсiда 50 миллиондан ортик кишиларни ўз домига тортиди.

Шу нуктаи назардан, Марказий Осиёдаги интеграция бўйича ташаббусларни, шу жумладан, чегараларни делимитация ва демаркация қилиш, турли жанжаллар ҳамда адоватларга барҳам бериш борасидаги интишларни қўллаб-қувватламоқ керак.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, икки-уч йил олдин тасаввур қилиш имкони бўлмаган ишлар бугун амалга ошмоқда. Марказий Осиё минтақасига тоза ҳаво кириб келди. Бу дўсту қардонлик, бир-бирини тушуниш ва англаш туфайли юз берди. Ишончликомки, муносабатларимиз бундан кейин ҳам ҳар томонлама ривожланишда давом этади.

**Толонбек АБДИРОВ,**  
**Қирғизистон — Ўзбекистон**  
**дўстлик жамияти**  
**ижрочи директори, иқтисодиёт**  
**фанлари доктори.**

**Ирисгул**  
**ИЗЗАТОВА**  
**(Қирғизистон):**

— Қирғиз ва ўзбек адабиёти ҳар доим бир-бирига яқин бўлиб келган. Бунга биргина мисол қилиб Чингиз Айтматов ҳамда таникли ўзбек ижодкорларининг ўзаро дўстлигини эслаш мумкин. Шу боис Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ёш ижодкорларнинг Зомин семинарига таклиф этилганимизда жуда хурсанд бўлдим. Соф ўзбек тилида шеърлар тинглаб, келажакда ушбу тилда ҳам ижод қилишга иштиёқ тўйдим. Бизга мана шундай имкониятни яратиб берган анжуман ташкилотчиларига миннатдорлик изҳор этадим.



**Муҳаммад**  
**Зоҳир АНИҚ**  
**(Афғонистон):**

— Семинарнинг «Зомин қалдиригочлари» деб номланишида ҳам ўзгача маъно бор. Негаки, ушбу анжуман ёшларга қанот бағишлаш, шубҳасиз. Ушбу тадбирда қардош халқлар ёш ижодкорлари билан танишганимиз ҳаммамизда катта таассурот қолдирди. Бойси бошқа бир халқ, янги муҳит, ижодий кайфият ҳамиша инсонга, айниқса, қалам аҳлига ўзгача таъсир этади. Бир кунгина ўтказилган семинарда бир дунё таассуротларга эга бўлдик.

Мен Фарёб виллоятида эркин журналист сифатида фаолият юритаман. Семинарда Афғонистондаги ўзбек ижодкорлари номидан бадийи публицистика йўналишида иштирок этдим. Видеоомулқот жараёнида ўзимни чин ўзбек сифатида ҳис қилдим. Жараёнда таҳлил ҳам бўлди, танқид ҳам бўлди, баҳс-мунозара ҳам бўлди, аммо ҳамма бир-бирини диққат билан тинглади, ҳеч ким эътибордан четда қолмади. Барча иштирокчилар бу қизгин мулоқотдан мамнун бўлдилар. Келажакда мана шундай лойиҳалар узлуқсиз давом этишини тилаб қоламиз.

**Юлдуз ЎРМОНОВА**  
**(«Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# МИЖОЗЛАРНИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ бугунги куннинг муҳим талабидир

Бугун, афсуски, дунёда коронавирус пандемияси давом этмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам ушбу касалликка чалинган беморлар сони ортиб борапти. Бу эса жорий этилган карантин қоидаларига сўзсиз амал қилишимиз, фарзандларимиз, оиламиз ҳамда халқимиз саломатлигини асрашимиз зарурлигини англатади.

Айни вақтда нормал ҳаётга қайтиш, иқтисодиётимизни тиклаш ҳам муҳим масалалардан биридир. Албатта, бу, биринчи навбатда, молия муассасалари зиммасига катта масъулият қўяйди. Яъни пандемия шароитида аҳолига қулай ва сифатли банк хизматлари кўрсатиш, трансформация жараёнларини жадаллаштириш, мижозбай ишлашни янги поғонага кўтариш долзарб аҳамиятга эга.

“Туронбанк” АТБ жамоаси ҳам айни синовли

## Молия муассасарида

### Трансформация жараёнларини жадаллаштириш кечиктириб бўлмас вазифа

Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисига йўлланган Мурожаатномасида 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг қўламли трансформация дастури амалга оширилиши ҳамда бу борада банкларнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қaratилган эди. Хусусан, яқинда Президентимиз раислигида банк активларида ҳужусий сектор улушини 15 фоиздан 60 фоизга оширишга йўналтирилган 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислох қилиш стратегиясини амалга ошириш ҳамда мамлакат тхиротат банкларининг трансформация жараёнини жадаллаштириш бўйича ўтказилган ййигилишда ҳам айни шу масалага алоҳида эътибор қaratилди.

Пойтахтимизда “Туронбанк” АТБ томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида трансформация жараёнларини амалиётга кенг татбиқ қилиш, пандемия шароитида аҳолига энг жозибадор молиявий хизматлар кўрсатиш ва бошқа долзарб вазифалар муҳокама марказида бўлди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг банк-молия муассасалари олдига қўйган қорондидаги талаблардан келиб чиқиб, бугунги пандемия даврида “Туронбанк” томонидан мижозлар хоҳиш-истакларини асосида янгича иш услублари жорий этилмоқда. Ҳар бир мижоз яқиндан қўллаб-қувватланиб, айланма маблағга эҳтиёжи бўлганларга бу борада кўмак бериш, уларнинг фаолиятини тиклаш ва шу орқали янги иш ўринлари яратишга, камбағалликни қисқартиришга алоҳида эътибор қaratилияпти. Мазкур жараёнлар банкнинг нафақат марказдаги офислариди, балки юртимизнинг олис ҳудудларидаги филиаллари, хизмат кўрсатиш шохобчаларида ҳам жадаллик билан амалга оширилияти. Бу орқали қўйи поғонадаги банк ҳодимларининг ҳам самарали ишлашига эришилмоқда.

Шу ўринда айтиш керакики, банк ҳодимларидан иборат ишчи гуруҳи карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда жойлардаги тадбиркорлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганяпти. Мавжуд камчиликлар шу жойнинг ўзида ижобий ҳал этилиб, тадбиркорларнинг халқимизга сифатли маҳсулотлар etkazиб бериши, замонавий хизматлар кўрсатишига йўл очмоқда. Қолаверса, кишлоқ ҳудудларида лимончилик ёки ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари билан шуғулланиб келаётган баъзи ишбилармонлар маҳсулотларига бозор топишга ҳам кўмаклашилаётир.

Умуман олганда, жаҳон стандартларига мос универсал банк хизматларини кўрсатиш ва энг муҳими, бу жараёнда юқори натижадорликка эришишни бугунги куннинг ўзи талаб этмоқда. Негаки, ҳар бир мижоз, тадбиркор билан индивидуал ишлаш, уларга энг замонавий банк хизматларини тақдим қилиш айни пандемия шароитида кечиктириб бўлмас вазифадир. Ушбу чора-тадбирлар бекаму кўст амалга оширилсагина синовли кунлардан беталафот ўтишимиз, халқимизни бой қилиш, уларнинг розилигини олишимиз мумкин.

“Туронбанк”нинг қуйидаги бир қатор илғор лойиҳалари эса ана шу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

### Маблагни уйдан чиқмай туриб ҳам қабул қилиш мумкин

Сўнгги йилларда “Туронбанк” фаолиятидаги ижобий ўзгаришлар, халқаро молия ташкилотлари билан бўйлаштишга интилишлар таҳсинга сазовор. Шу боисдан ҳам бугун юртодошларимиз орасида “Туронбанк” хизматларидан фойдаланувчилар сони кундан-кун ортиб бормоқда.

Хусусан, халқаро пул ўтказмалари тизимида одамларнинг уйдан чиқмаган ҳолда, ўз смартфонлари орқали маблагларни четдан қабул қилиш ва ўтказишлари учун бир қатор қўлайлар яратилди. Бу “MyTuron” мобилй иловаси ёрдамида “Contact”, “Unistream”, “Western Union”, “Money Gram” халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали юборилган маблагларни банкнинг “Uzcard”, “Visa” ва “Mastercard” пластик қарточкаларига миллий ёки хорижий валютда кирим қилиш орқали амалга оширилади. Аҳамиятлиси, мазкур хизмат бепул.

Шунингдек, “Золотая Корона” ва “Contact” халқаро пул ўтказмалари тизимлари орқали АҚШ долларида “Туронбанк”нинг “Mastercard” халқаро пластик қарточкаларига 24/7 режимида пул маблагларини қабул қилиш ҳам мумкин. Келиб тушган маблагларни банкнинг “MyTuron” иловаси ёрдамида текшириш ва реал вақт режимида қўзатиб бориш имконияти мавжуд.

Тошкент педиагрия тиббиёт институти жамоаси Тиббий радиология кафедраси мудири Гулнора Юсупалиевага отаси

**Акмал АБЗАЛОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



кунларда халқимизга бир қатор янги хизмат турлари ҳамда карантин талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўзгартirilган иш услубларини тақдим қилмоқдаки, бу нафақат юртимиз фуқаролари, балки хориждаги ватандошларимизга ҳам жозибали қўлайликлар яратиши билан бирга, маблагларини иқтисод қилиш, ҳатто кўпайтириш имконини бераётир.

### Пластик қарточканинг ўзи олдингизга «лаббай» деб «боради»

Ҳозир “Туронбанк”да пластик карта очиш учун банкка келиш шарт эмас, қаратнинг ўзи мижознинг олдига “лаббай” деб “боради”. Бунинг учун www.turonbank.uz расмий сайтига кириб, ариза топширилса қифоя.

Сайт орқали “Туронбанк”нинг “UzCard”, “Humo” ва “Mastercard” пластик қарточкаларига буюртма бериш мумкин. Банк ҳодимлари тез фурсатда пластик карта очиб, мижознинг уйига элтиб беради. Ва бунинг учун ҳеч қандай маблағ талаб этилмайди.

“UzCard”, “Humo” карталарини etkazиб бериш “Туронбанк” филиаллари мавжуд бўлган барча виллоятларда, “Mastercard” карталарини etkazиб бериш эса ҳозирча фақат пойтахтимизда йўлга қўйилган.



### «One Touch»нинг хозирча муқобили йўқ

“Туронбанк” ишбилармонлар учун “Humo” терминалларини смартфонлари алмаштириш имконини тақдим этмоқда. “One Touch” тизимни орқали энгги тўловларни қабул қилиш учун қўрилма ҳамда унинг қувватлагичини кўтариб юришга ҳожаат йўқ. Шунчаки мобилй телефонга (NFC тизими мавжуд андроид телефонлар) карта теккизилган, пул маблагларини қабул қилиб олса бўлади. Мазкур тизим кўпроқ такси, etkazиб бериш хизматлари, кичик савдо шохобчаларида ишлайдиган тадбиркорларимиз учун анча қўл келади. Бу орқали нақдсиз тўловларнинг ошиши ва Давлат бюджетига тушумлар қўлайлишига эришиш мумкин.

Бунинг учун қўл нараса талаб этилмайди. Банк билан болганиб, смартфонга хизматни ёқтириш учун шартнома тузиш лозим бўлади. Хозирги кунда 400 га яқин тадбиркорлар ушбу хизмат туридан фойдаланмоқда.

### Янада қулай ва фойдаланишни кутинг!

Банк мутасаддиларининг айтишича, “Туронбанк” аҳолига янада қулай ва фойдали хизматларни улаштириш давом этади. Айни кунларда ҳам қўлай шартларда кредит ажратиш, жозибали омонатларни жалб қилиш, тезкор пул ўтказмалари ва бошқа йўналишлардаги янгиликлар устида ишлар олиб боришмоқда. Булар, албатта, халқимизга туҳфа этиладиган хизматларнинг энг яхшиларидир.

Шу ўринда яна бир маълумотни айтиб ўтиш керакики, ҳозирги пайтда маълум иловалар ёрдамида масофадан туриб қўрсатилаётган хизматлардан, асосан, ёшлар ҳамда ишбилармон доира вакиллари фойдаланаётган бўлса, эндиликда шундай тизим амалга оширилганлиги, ундан барча ёшдаги мижозлар бемалол фойдаланишади. Бунинг учун энг содда вариантлар ишлаб чиқилмоқда.


### Одамлар банкдан қачон рози бўлади?

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бугун банклар ўз иш услубини ўзгартиришни шарт. Яъни улар фаолиятини бозор иқтисодиётини шароитига ўтказиш, ҳодимларга муносиб ойлик маош тўлаш, инсон омилини қамайтириш, замонавий банк технологияларини кенг жорий қилиш энг муҳим талаблардан биридир.

“Туронбанк” ўз фаолиятида ана шу мезонларга эришиш учун бор имкониятларини ишга солмоқда. Юқорида санаб ўтилган замонавий лойиҳалар ҳақидаги маълумотлар эса шу йўлдаги кичик қадамларимиздир. Албатта, бу билан чекланиб қолинмайди. Давр билан ҳамнафас бўлиш, инсонларга наф келтириш учун банк ҳодимлари астойдил изланмоқда. Қанчоки, одамларга муносиб хизмат қилинсагина, уларнинг розилигини олиш мумкин. Зеро, энг муносиб баҳони халқ айтади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*



## Халқ сўзи Народное слово

### МУАССИСЛАР:

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати Кенгаши**

### Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 756. 34 148 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

### ТЕЛЕФОНЛАР:

*Девонхона 71-233-52-55;*  
*Котибият 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.*



“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 00.55 Топширилди — 05.00 1 2 3 4 5 6